

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2019 йил июнь ойининг 27 куни, жиноят ишлари бўйича Шайхонтохур туман суди, Шайхонтохур тумани 1-сонли ФМБ биносида, очиқ сайёр суд мажлисида, раислик қилувчи судья А.Эргашов, судья ёрдамчиси А.Хамреванинг котиблигида, туман прокурори ёрдамчиси М.Бердикиличева, судланувчи [REDACTED], унинг манфаатларини ҳимоя қилган ҳимоячиси адвокат [REDACTED]нинг иштирокида, [REDACTED]га нисбатан [REDACTED]-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра

[REDACTED], [REDACTED] йилда Қашқадарё вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, вақтинча ишсиз, муқаддам судланмаган, оилали, 3 нафар фарзанди бор, Қашқадарё вилояти, [REDACTED] тумани, [REDACTED] ҚФЙ, [REDACTED] қишлоғида истиқомат қилувчи, “муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нухасини ўз вақтида олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК **238-моддасининг 1-қисми** билан айбланган.

Суд судланувчи ва гувоҳнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи [REDACTED] 07.08.2018 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентига шикоят билан мурожат қилиб, ўз мурожатида 2018 йил 21 июль куни соат 21:00ларда Шайхонтохур тумани С.Дарвоза кўчаси “Қоратош” маҳалласидаги куп каватли уйлар орасида катта тезликда ҳаракатланиб келган “Нексия” русумли автомашина ҳайдовчисига, пиёдалар йўлагидида секинроқ юриш лозимлигини айтиб, танбех берганида, ушбу шахси номаълум ҳайдовчи ва унинг танишлари, у билан жанжаллашганлиги, шунда шу ерда яшовчи фуқароларнинг берган хабарига асосан воқеа жойига етиб келган ИИБ ходимлари “Нексия” русумли автомашина ҳайдовчисига нисбатан бирон-бир чора кўрмасдан, балки уни ва акаси [REDACTED]ни Шайхонтохур тумани ИИО ФМБга қарашли 3-сон ИИБ биносига олиб боришиб, у ерда ички ишлар ходимлари уни уриб, тан жароҳатлари етказишганлиги, сўнгра унда тан жароҳатлари мавжуд бўлсада, унга тиббий ёрдам кўрсатиш чораларини кўрмасдан, балки туман маъмурий судининг қарорига асосан 10 суткага Тошкент шаҳар ИИББга қарашли Махсус қабулхонага жойлаштиришга эришганлиги ҳақида баён қилиб, мазкур мурожаат асосида Тошкент шаҳар прокуратураси томонидан 05.11.2018 йилда Шайхонтохур тумани 3-сонли ИИБ ходимлари ва бошқаларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 206-моддаси 1-қисми билан қўзғатилган жиноят иши бўйича 07.11.2018 йилда гувоҳ тариқасида сўроқ қилиниб, 20.09.2018 йилдаги суд-тиббий экспертизаси хулосасига кура, унда аниқланган “аралаш чап жароҳатлар, бурун ўнг томони синиб силжиши, чап томон кўкрак қафаси 10-қовурғанинг қултиқ ости орқа чизиги бўйича ёпиқ синиши, чап билак суягининг бигизсимон усиғининг синиши” каби тан жароҳатларини 21.07.2018 йилда Шайхонтохур тумани 3-сонли ИИБ биносида унга 3-сонли ИИБ ходилари [REDACTED], [REDACTED] ва [REDACTED]лар етказганлиги туғрисида олдиндан била туриб ёлғон

кўрсатув берган.

Суд мажлисида судланувчи тариқасида сўроқ қилинган [REDACTED] айбига тўлиқ иқрор бўлиб, 2018 йил 21 июль куни Шайхонтоҳур ИИБ ходмлари уни уриб тан жароҳати етказганлигини ва унга нисбатан қонуний чора кўришни сўраб, Тошкент шаҳар прокурори ва бошқа ташкилотларга 2018 йил 5 август куни ариза билан мурожаат қилганлигини, аслида 2018 йил 21 июль куни унга Шахонтоҳур тумани ИИБда тан жароҳати етказилмаганлигини, у шу куни номаълум шахслар билан кўчада ўзаро жанжаллашиб, улар томонидан калтакланганлигини, ушбу ҳолат юзасидан Шайхонтоҳур тумани ИИБ ходимлари унга нисбатан маъмурий баённома расмийлаштирилганлигини, Шайхонтоҳур тумани маъмурий суди томонидан унга нисбатан ўн сутка маъмурий қамок жазоси тайинланганлигини, шу сабабли, у жаҳл устида ИИБ ходимлари уни урганликлари ҳақида ёлғон мурожаат қилганлигини маълум қилиб, ҳозирда ушбу мурожаатни кўриб чиқишни тўхтатишни, уни 3-сонли ИИБ ходимлари эмас, балки С.Дарвоза кўчасида бегона шахслар уришганлигини, дастлабки тергов давомида [REDACTED], [REDACTED], [REDACTED] ва бошқалар билан юзлаштириш, таниб олиш ва кўрсатувларни воқеа жойида текшириш тергов ҳаракати ўтказилганда, 3-сонли ИИБ бошлиғи [REDACTED] бурнига калласи билан уриб, йиқитилганлигини шундан сўнг, 3-сонли ИИБ ЖҚБ бошлиғи [REDACTED] ва тезкор вакил [REDACTED] лар уни орқасидан оёқлари билан тепганлиги ҳақида ёлғон кўрсатув берганлигини, аслида унга 21.07.2018 йилда С.Дарвоза кўчасида нотаниш йигитлар тан жароҳати етказганлигини ҳозирда қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, бу каби ҳолат бошқа такрорланмаслигини, муқаддам судланганлигини, оилада ёлғиз боқувчи эканлигини инобатга олиб суддан енгиллик беришни сўради.

Суд мажлисида гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган [REDACTED] судланувчи [REDACTED] 2018 йил 21 июль куни соат тахминан 21:00 ларда Шайхонтоҳур тумани, С.Дарвоза кўчаси, “Қоратош” маҳалласидаги кўп қаватли уйлар орасида катта тезликда ҳаракатланиб келган “Нексия” русумли автомашина ҳайдовчисига, пиёдалар йулагидида секинроқ юриш лозимлигини айтиб, танбех берганида, ушбу шахси номаълум ҳайдовчи ва унинг танишлари, у билан жанжаллашганлиги, шунда шу ердан фуқароларнинг берган хабарига асосан воқеа жойига етиб келган ИИБ ходимлари “Нексия” русумли автомашина ҳайдовчисига нисбатан бирон-бир чора курмасдан, балки уни ва акаси [REDACTED] ни Шайхонтоҳур тумани ИИО ФМБга қарашли 3-сон ИИБ биносига олиб боришиб, у ерда ички ишлар ходимлари уни уриб, тан жароҳатлари етказилганлигини, у ҳолат юзасидан суришитурв ишларни олиб бориб, воқеа жойига борилгандан ҳолатни ўрганилганда Самарқанд Даврвоза кўчасида жанжал уюштирилган шахслар кетиб қолганлигини, у ва бошқа ходимлар видео кузатув камерасини кўтарилган вақтда Нексия автомашинада ўтирган нотаниш шахс ва [REDACTED] билан ўзаро уришганлигини, [REDACTED] ИИО ФМБ бўлимига олиб келинганда судланувчи қаршилик кўрсатганлигини, у ҳолат юзасидан баённома расмийлаштириб, туман маъмурий судининг қарорига асосан 10 суткага Тошкент шаҳар ИИББга қарашли Махсус қабулхонага жойлаштирилганлигини, у ва унинг ходимлари [REDACTED] га тан жароҳати етказмаганликларини, ҳозирда судланувчи улардан кечирим сўраганлигини, судланувчига даъвоси йўқлигини, судланувчи билан ярашиб олганлигини кўрсатиб, [REDACTED] га нисбатан енгиллик беришни сўради.

Бундан ташқари судланувчи [REDACTED] нинг айби жиноят ишида тўпланган тергов олди суриштирув ишлари жараёнида тўпланган ҳужжатлар, уяли алоқа компаниясидан олинган маълумотнома, ўтказилган юзлаштириш баённомалар,, тушунтириш хатари, видеокузатув ёзувлари ҳамда иш материалларида мавжуд бўлган бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан тўлиқ ўз тасдиғини топади.

Суд судланувчи [REDACTED] ни жиноий ҳаракатлари юридик квалификациясига ҳуқуқий баҳо бериб, қуйидаги хулосага келди.

Суд судланувчи [REDACTED] нинг жиноий ҳаракатлари дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 238-моддасининг 1-қисми, яъни *“ёлгон гувоҳлик бериши, яъни суриштирув олиб бориши, дастлабки тергов ёки ишни судда кўриши вақтида гувоҳ ёки жабрланувчининг била туриб, ёлгон кўрсатув бериши ёхуд экспертнинг била туриб нотўғри хулоса бериши, шунингдек бир тилдан иккинчи тилга била туриб нотўғри таржима қилиши”* аломатлари билан тўғри малакаланган деб ҳисоблайди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги **“Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”**ги 1-сонли қарорининг 3-бандига кўра *“Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак”* деб белгиланган.

Шунингдек, ушбу Пленум қарорининг 37-бандида *“ЖК 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкин.*

Бунда, қонунга мувофиқ, судлар, нафақат шахс жиноят содир этиши вақтида кўзлаган мотив ва мақсад, айб шакли ва даражасини, балки, айбдорнинг шахси, жиноят иштирокчилари орасидаги роли, жиноят содир этилиши пайтидаги ёки содир этилганидан кейинги хулқ-атвори, жиноятни содир этиши сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитни ҳам эътиборга олишлари лозим.

Жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи алоҳида ҳолатлар рўйхати қонунда кўрсатилмаганлигини назарда тутиб, суд қабул қилган қарорини ҳукмда асослантирган ҳолда жазони енгиллаштирувчи айрим ҳолатни ҳам, уларнинг мажмуини ҳам бундай ҳолат сифатида тан олиши мумкин (масалан моддий зарарнинг тўлиқ қопланганлиги, судланувчи ёки ота-онасининг оғир касаллиги, уларнинг меҳнатга лаёқатсизлиги, айбдор ота-онасининг ёки боласининг бошқа боқувчиси йўқлиги, судланувчининг кекса ёшида эканлиги, унинг бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган жиноятни очишда фаол иштирок этганлиги, жабрланувчининг жиноят содир этилишига туртки берган ҳуқуққа хилоф хулқ-атвори, жабрланувчининг судланувчи билан ярашганлиги ва ҳ.к.)” деб кўрсатилган.

Суд, судланувчи [REDACTED] га нисбатан жазо тайинлашда айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, яшаш жойидан ижобий тавсифланишини, қарамоғида уч нафар вояга етмаган фарзандлари борлигини, муқаддам судланмаганлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида баҳолаб, ғараз

мақсадлар ва паст ниятларда содир этилганлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасига асосан жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб топади.

Шунингдек, суд судланувчига жазо тури ва миқдорини белгилашда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 7,8-моддаларида назарда тутилган одиллик ва инсонпарварлик тамойилларидан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарори талабларидан келиб чиқиб, судланувчини ўз айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, оилавий шароитини, муқаддам судланганлигини, қарамоғида уч нафар вояга етмаган фарзандлари борлигини инобатга олиб, унинг ҳаракатлари учун талқин этилаётган ЖК 238-моддаси 1-қисмига ЖК 57-моддасини қўллаб, мазкур модда санкциясида назарда тутилмаган жарима жазоси тайинлашни лозим топади.

Шунингдек, суд манфаатдор томонларга етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш масаласида фуқаролик тартибида судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлигини тушунтиришни лозим топади.

Юқоридагиларга асосан суд, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-460, 465, 472-моддаларини қўллаб, ҳукм қилади,

Ҳ У К М:

████████████████████ Ўзбекистон Республикаси ЖК 238-моддасининг 1-қисми билан айбдор деб топилсин.

ЖК 238-моддасининг 1-қисмига ЖК 57-моддасини қўллаб, энг кам ойлик иш ҳақининг 11 баравари миқдорида, яъни **2.027.300 (икки миллион йигирма етти минг уч юз)** сўм жарима жазоси тайинлансин ва жарима давлат даромадига ундирилсин.

Судланувчига нисбатан қўлланилган эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

Манфаатдор томонларга етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш масаласида фуқаролик тартибида судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлиги тушунтирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб 10 сутка муддат ичида, судланувчи эса ҳукм нусхасини олгандан сўнг шу муддат ичида жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман суди орқали жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судига апелляция тартибида, 10 суткалик муддат ўтганидан сўнг эса кассация тартибида протест ёки шикоят келтиришлари мумкин.

Раислик қилувчи: имзо

Ҳукм нусхаси аслига тўғри: